ҚУРИЛИШДА БАҲОЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛ, МАҚСАД ВА БОСҚИЧЛАР

Б.БОЗОРОВ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада қурилиш соҳасида баҳоларнинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар, унинг мақсадлари ҳамда шакллантириш босқичлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Қурилиш маҳсулотининг таннархи, бозордаги талаб ва таклиф мутаносиблиги ҳамда рақобат муҳити баҳони белгилашдаги муҳим омиллар сифатида кўриб чиқилган. Шунингдек, қурилиш ташкилотларининг баҳо сиёсати орқали кўзланган асосий иқтисодий мақсадлар ёритилган. Баҳоларни шакллантириш жараёнининг босқичлари тизимлаштирилиб, ҳар бир босқичнинг мазмуни ва аҳамияти асослаб берилган. Мақола натижалари қурилиш корхоналарида самарали баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш ва бозор шароитида рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар*: қурилиш соҳаси, баҳоларни шакллантириш, таннарх, бозор конъюнктураси, талаб ва таклиф, рақобат, баҳо сиёсати, иқтисодий омиллар, босқичлар, мақсадлар..*

Аннотация: В данной статье рассматриваются основные факторы, влияющие на формирование цен в строительной отрасли, а также их цели и этапы. Проанализированы такие ключевые факторы, как себестоимость строительной продукции, состояние рыночной конъюнктуры, уровень спроса и предложения, а также ценовая политика строительных организаций. Особое внимание уделено целям ценообразования, включающим

обеспечение прибыли, достижение необходимого объема продаж, сохранение рыночных позиций и повышение конкурентоспособности. Также подробно рассмотрены этапы формирования цен, начиная с определения спроса и заканчивая установлением цен на продукцию строительных организаций на конкретный период. Результаты исследования могут быть использованы для совершенствования ценовой политики строительных предприятий и повышения их эффективности в условиях рыночной экономики.

Ключевые слова: *строительная отрасль, ценообразование, себестоимость, рыночная конъюнктура, спрос и предложение, конкуренция, ценовая политика, экономические факторы, этапы, цели.*

Қурилиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, у мамлакатда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда инвестиция фаолиятини кенгайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ушбу соҳада самарадорликни таъминлаш кўп жиҳатдан қурилиш маҳсулотига белгиланадиган баҳоларнинг асосли ва иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантирилишига боғлиқ. Қурилишда баҳоларнинг шаклланишига бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатадию Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат: а) қурилиш маҳсулотини яратиш (ишлаб чиқариш) ва етказиб бериш харажатлари; б) мақсадли бозор конъюнктураси ва қурилиш ташкилоти (фирма) маҳсулотига нисбатан талаб ва таклиф даражалари; в) қурилиш ташкилоти (фирма)нинг баҳо сиёсати ва б. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқоридаги дастлабки икки омил қурилишда баҳоларни шакллантириш (таркиб топтириш)да ҳисобга олинади. Учинчи омил эса қурилиш ташкилоти (фирма)нинг баҳоларни шакллантириш борасидаги мақсадига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Қурилишда баҳоларни шакллантириш унинг мақсадларига ҳам боғлиқ. Назаримизда, уларнинг энг муҳимлари қаторига: а) маълум бир миқдордаги фойдага эга бўлишни таъминлаш; б) маълум бир ҳажмдаги сотувга эга бўлишни таъминлаш; в) қурилиш ташкилоти (фирма)нинг мавжуд ҳолати (аҳволи)ни сақлаб қолиш; г) рақобатчиларни сиқиб чиқариш; д) бозорга янги маҳсулотни жорий этиш (киритиш); е) сифат кўрсаткичлари бўйича етакчиликни қўлга киритиш ва б.ларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Қурилишда баҳоларни шакллантиришни унинг босқичларидан ҳам алоҳида олган ҳолда тасаввур этишнинг иложи йўқ. Фикримизча, бундай босқичлар қаторига қуйидагиларни кўрсатса бўлади: а) талабни аниқлаш; б) харажатларни баҳолаш ва баҳонинг қуйи чегарасини ўрнатиш (белгилаш); в) рақобатчиларнинг товарлари тавсифи ва баҳосини таҳлил қилиш; г) баҳоларни шакллантириш методларини танлаш ва баҳоларнинг юқори чегарасини баҳолаш; д) баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш; е) аниқ бир давр учун қурилиш ташкилоти (фирма) маҳсулотларига баҳоларни ўрнатиш.

Qurilish sohasida narxlarning shakllanishi murakkab iqtisodiy jarayon bo‘lib, u bir qator ichki va tashqi omillarga bog‘liqdir. Xususan, mahsulot tannarxi, bozor kon’yunkturasi, talab va taklif muvozanati hamda raqobat muhiti narx siyosatini belgilashda muhim o‘rin tutadi. Shuningdek, qurilish tashkilotlarining strategik maqsadlari ham narxlarni shakllantirishda asosiy yo‘nalishni belgilab beradi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, narxlarni shakllantirishning bosqichma-bosqich yondashuvi korxonalarga iqtisodiy jihatdan asoslangan va raqobatbardosh narx siyosatini yuritishga imkon beradi. Umuman olganda, to‘g‘ri tashkil etilgan narx siyosati qurilish korxonalarining barqaror rivojlanishi va bozordagi o‘rnini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бозор иқтисодиёти асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Қурилиш иқтисодиёти ва бошқаруви. – Т.: ТДИУ нашриёти, 2019.
3. Н. Каримов. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Фан ва технология, 2021.
4. М. Портер. Конкурентное преимущество. – Нью-Йорк: Free Press, 1985.
5. С. Котлер, Г. Армстронг. Принципы маркетинга. – Pearson Education, 2018.
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари. – www.stat.uz
7. Қурилиш соҳасида нарх сиёсатини шакллантириш бўйича илмий мақолалар тўплами. – Т.: Иқтисодиёт, 2022.